

Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилиши суд қарорларининг бекор бўлишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Элликқалъа туман судининг 2007 йил 1 ноябрдаги ҳукмига асосан, фуқаро Ю. Жиноят кодексининг 127-моддаси 3-қисми билан 5 йил, 25,176-моддасининг 1-қисми билан 3 йил, 1861-моддасининг 1-қисми ва 25,1861-моддаси 2-қисмининг «б,в» бандлари билан Жиноят кодексининг 33-моддаси қўлланилиб 5 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган. 2006 йил 30 ноябрдаги амнистия акти 7-бандининг «а» кичик бандига мувофиқ тайинланган жазонинг ўталмаган қисми учдан бирига қисқартирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди апелляция инстанциясининг 2007 йил 7 мартдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилиб, Ю.нинг айбидан Жиноят кодексининг 127-моддаси 3-қисми ва 25,1861-моддаси 2-қисмининг «в» банди чиқарилган.

Ю. Жиноят кодексининг 25,176-моддаси 1-қисми ва 1861-моддасининг 1-қисми билан 2006 йил 30 ноябрдаги амнистия акти 2-бандига мувофиқ жазодан озод қилинган.

ЖК 25,1861-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, унга 6 ой қамоқ жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ю. уйдаги қўлбола усулдаги 0,5 литрли шиша идишга қадокланган алкоғолли маҳсулотларнинг ҳар бирини 1.100 сўмдан, жами 77.000 сўмга сотиш ҳақида Т. билан келишган. Сўнг 1990 йилда туғилган вояга етмаган ўғли О. билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ шахс бўлиб, вояга етмаган ўғлини ҳам жиноятга жалб қилиб, ушбу қўлбола усулдаги алкоғолли маҳсулотларни Т.га бериб юборишни буюрган.

О. Т. билан бирга Х.га тегишли автомашинага алкогольли маҳсулотларни юклашаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланганлар.

Бундан ташқари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан Ю. истиқомат қиладиган уй ва ёрдамчи хўжаликлари текширилганда ошхонасидан 1.300 дона «Қоратау» ароғининг этикеткаси, 36 дона қалбаки акциз марка, 111 дона спиртли ичимлик қопқоғи, 1 дона спиртли ичимлик идишни оғзини ёпишда ишлатиладиган қўлбола мослама, 60 дона 0,5 литрли шиша идишларга солинган ва оғзи ёпилмаган қўлбола усулда тайёрланган алкогольли маҳсулот, қалбаки акциз маркаси ёпиштирилган 10 шиша алкогольли маҳсулот, даҳлиз ва болалар хонасидан 593.400 сўмлик 339 литр спирт, 4.617 дона «Нокис вино заводи» ёзувли ароқ шишаси қопқоқлари, 27 литр тозаланган сув борлиги аниқланган ва ушбу маҳсулотлар ашёвий далил тариқасида олинган.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг назорат тартибида билдирган протестига асосан жиноят иши 2007 йил 5 июнда Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раёсатида кўрилиб, апелляция инстанциясининг Ю.га нисбатан фақатгина амнистия актини қўллаш ҳақидаги қисми бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилган.

Юқори инстанция судлари биринчи босқич суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш ўрнига ўзлари ҳам камчиликларга йўл қўйишган.

Биринчи босқич суди Ю.нинг турмуш ўртоғи С. ва ўғли О. дастлабки тергов органи томонидан айбланувчи тариқасида жалб қилинмаганлиги ва жиноят ишининг уларга тегишли бир қисми амнистия актига асосан тугатилган бўлса-да, қандай асосларга кўра Ю. ва унинг ўғли О. гуруҳ бўлиб,

олдиндан жиной тил бириктириб жиноят содир этганликларини муҳокама қилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори 49-бандидаги шахс бир хилдаги бир неча ҳаракатларни содир этган бўлиб, улардан бири тугалланган жиноят тариқасида, бошқалари жиноятга тайёргарлик, суиқасд ёки иштирокчилик тариқасида квалификация қилинганда Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида, яъни жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланиши ҳақидаги тушунтиришига риоя қилмай, Ю.га нисбатан Жиноят кодексининг 1861–моддасининг 1-қисми ва 25,1861-моддаси 2-қисмининг «б,в» бандлари билан Жиноят кодексининг 33-моддасини қўллаб 5 йил озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо тайинлаб хатоликка йўл қўйган.

Апелляция инстанцияси суди Ю.нинг ўғли О.ни жиноятга жалб этиши ҳамда бир гуруҳда жиноят содир этишларидаги ҳаракатларини атрофлича текширмаган ва ажримда Ю.нинг айбидан Жиноят кодексининг 127-моддаси 3-қисмини чиқариш тўғрисидаги хулосани асослантормаган.

Шунингдек, амнистия актига асосан Ю.ни Жиноят кодексининг 25,176-моддасининг 1-қисми ва 1861-моддасининг 1-қисми билан жазодан озод қилиш ҳамда 1861-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаган ҳолда 6 ой қамоқ жазоси тайинланган.

Назорат инстанцияси апелляция босқичида жиноятни квалификация қилишда алоҳида жазо тайинланмай хатоликка йўл қўйилганлиги сабабли, Ю.га нисбатан амнистия актини қўллаш қисмини янгида апелляция тартибида кўриш имконияти йўқ бўлса-да, жиноят ишини фақатгина амнистия актини қўллаш қисмини бекор қилиб жиноят ишини янгида апелляцияда кўриш учун юбориб хатоликка йўл қўйган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2007 йил 1 ноябрдаги ажрими билан Ю.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши янгидан биринчи босқичда кўриш учун Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига юборилди.

ЖСҲ-274-07 сонли ажрим